O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 24 февраль, № 38 (3583) Пайшанба

"Сувжиҳозгаз" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлаганига яқинда ўн йил тўлади. Бу ерда бугунги кунда мамлакатимиз коммунал хўжалиги учун жуда зарур бўлган газ ўлчагичлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида корхонада бир миллиондан кўпроқ, 2004 йилнинг ўзида эса 440 минг дона газ ўлчагич тайёрланди. Улар арзон, қулай, шу билан бирга газни тежайди.

АРЗОН, ҚУЛАЙ, ЯНА ТЕЖАМКОР

— Корхона ишга тушган дастлабки йилларда бу ерда фақат йиғиш ишлари амалга оширилган бўлса, ҳозир 38 фоиз деталларни ўзимиз тайёрлаяпмиз, — дейди ишлаб чиқариш бўйича менежер Ҳикматилло Мўминжонов.

"Сувжиҳозгаз"да ҳозир 85 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг маоши ўртача 70-80 минг сўмни ташкил этади. Шунингдек, ишчиларга арзон нархда тушлик овқат ва йўл чиптаси ҳам берилади.

Қўшма корхона директори Вэй Миннинг таъкидлашича, етти-саккиз нафар илғор ишчилар ҳар йили корхона ҳисобидан Хитойда дам олиб келади.

— Республика бўйича 11 та сервис хизмат кўрсатиш марказимиз бор, — дейди у. — Маҳсулотимизга икки йилга кафолат берамиз. Агар шу муддат ичида бузилгудек бўлса, икки соатда таъмирлаб беришимиз керак. Шу фурсатда таъмирлай олмасак, янги газ ўлчагич қўйиб берамиз.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини. ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда ҳар бир хонадонни замонавий газ ва сув ўлчагич жиҳозлар билан таъминлаш муҳим эканлиги таъкидланган. "Сувжиҳозгаз" жамоаси ушбу қарорнинг бажарилишига ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан катта ҳисса қўшмоқда.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг йиғув цехида; цехнинг илғор ишчиси Алишер Мўминжонов.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ЭЪТИБОРИ

Ўзбекистонда муайян соҳалар ривожига, аҳолининг фаровонлигини оширишга бағишлаб ҳар йили умуммиллий дастур қабул қилиш ва ижросини таъминлаш ўзига хос анъанага айланган. Жорий йил Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг бундай ташаббуслари хорижда ҳам эътибор қозониб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда 2005 йил Сиҳат-саломатлик йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Япония ҳукумати бу борада мамлакатимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Халқаро бизнес-марказда Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга ажратилган мақсадли беғараз молиявий ва техникавий ёрдамнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари раҳбарлари, дипломатик корпус, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги икки томонлама алоқалар ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки мамлакат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги тадбир стратегик ҳамкорлар ҳисобланган Ўзбекистон ва Японияниинг ҳамфикрлигидан, мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликка интилиш кучлилигидан яна бир далолатдир.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг илк йилларидан Ўзбекистон Япония билан ҳамкорликка алоҳида эътибор

(Давоми 2-бетда).

Халқаро анжуман

Аёллар ва демократия

Кеча Тошкентда республика Хотин-қизлар қўмитаси ва "Меҳр" нодавлат-нотижорат бирлашмаси ташаббуси билан хотин-қизлар ташкилотларининг форуми бўлиб ўтди. "Жамиятнинг демократик янгиланишида хотин-қизларнинг ўрни ва роли" мавзуидаги ушбу анжуманда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, давлат корхоналари, нодавлат-нотижорат, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркор аёллар билан бир қаторда Қирғизистон ҳамда Тожикистондан келган вакиллар ҳам иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракатининг ривожланиш истиқболлари; уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш жараёнидаги мавқеини ошириш, давлат ташкилотларининг нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан маърузалар тингланди.

Форум меҳмонлари БМТ Тараққиёт дастури вакили Люкке Андерсен, ЕХҲТ вакили Мирослав Енча ва бошқалар жамиятнинг демократик янгиланишида Ўзбекистон аёллари ролини алоҳида эътироф этдилар. Анжуман давомида тадбиркор аёллар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ва модалар намойиши ташкил этилди.

Тадбирда Республика Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

ҲОКИМЛАРНИНГ ЎН КУНЛИК ЎҚУВИ

ҚАРШИ (ЎзА мухбири А.МУҲАММАДИЕВ).

Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳокимлари ўринбосарлари ҳамда туман ҳокимларининг минтақавий семинар-тренинги бошланди.

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида ҳамда Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги тарқиби аъзолари иштирокидаги кенгашда қўйилган вазифалар ижроси масалалари ушбу семинарнинг бош мавзусидир.

Иштирокчилар ўн кун мобайнида ҳозирги давр иқтисодий ислоҳотларининг асосий маъно ва мазмуни, туман миқёсида либераллаштириш жараёнига тўсқинлик қилаётган муаммолар, хусусий тармоқни жадал ривожлантириш ва минтақа иқтисодиётида унинг улушини кўпайтиришни таъминлаш масалалари бўйича фикрлашади.

Шунингдек, етакчи мутахассисларнинг қишлоқ жойларида маҳаллий хомашёга асосланган хусусий ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш учун шароит яратишда ҳокимликларнинг ўрни, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш мавзуларида маърузалар тингланади. Семинарлар очиқ мулоқот тарзида ўтаётгани уларнинг самарадорлигини янада оширмоқда.

Машғулотларда тегишли вазирлик ва уларга қарашли идораларнинг мутахассислари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Тошкент молия институти профессор-ўқитувчиларининг маърузалари тингланмоқда.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

Туркиянинг Истамбул шаҳрида Европа кураш конфедерациясининг навбатдаги ижроқўм йиғилиши бўлиб ўтди. Халқаро Кураш Ассоциацияси матбуот хизматининг хабар беришича, унда Европа кураш конфедерацияси Ижроия қўмитаси аъзолари ҳамда шу қитъадаги барча миллий кураш федерацияси вакиллари иштирок этган.

Европа кураш конфедерациясида

Ижроқўм йиғилишида минтақада ўзбек курашини янада ривожлантириш, аъзо давлатлар сонини ошириш ҳамда катталар ва ёшлар ўртасида Европа чемпионатлари ўтиш муддати ва жойи муҳокама қилинди.

Унга кўра, катталар ўртасидаги Европа чемпионати жорий йилнинг 10-15 ноябрь кунлари Варшава (Польша)да, ёшлар ўртасидаги чемпионатни эса 15 октябрь куни Анталия (Туркия) шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Тадбирда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Голландиялик Франц Хугендайк Европа кураш конфедерацияси вице-президенти, туркиялик Метин Озкан конфедерация хазиначиси, исроиллик Марк Либерман эса таълим директори этиб сайландилар. Шунингдек, туркиялик Бенжамин Эр ва грециялик Грегори Илиадис ҳакамлар комиссияси аъзолигига қабул қилинди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«Фуқаролик форуми» доирасида конференция

Кеча Республика Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида «Фуқаролик форуми» лойиҳаси доирасида «Ўзбекистонда иқтисодий тизим трансформацияси ва рақобат муҳитини шакллантириш муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда иқтисодиёт, социология, демография соҳалари мутахассислари мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши, унда рақобатбардошликни ошириш масалаларини таҳлил қилдилар. Шунингдек, конференция жараёнида Миллий иқтисодиёт трансформацияси шароитида рақобатбардошликни ривожлантириш, унинг назарий муаммолари ва Ўзбекистонда рақобат муҳитини ривожлантиришнинг институционал асослари каби йўналишларда секция мажлислари ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари таҳлил жараёнида муҳокама этилаётган масалаларнинг аҳамияти ва долзарблигини таъкидлаб ўтдилар ҳамда анжуман якунида бу борада таклифлар ишлаб чиқилди.

Конференция Иқтисодиёт институти, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ — 2005

Беларусь — «Сконто» 3:2

Футбол бўйича Тошкент халқаро турнирининг иккинчи учрашувида «В» гуруҳида қатнашаётган Беларусь Республикаси ёшлар терма жамоаси ва Латвия чемпиони «Сконто» ўзаро куч синашдилар.

Қизғин курашлар остида ўтган учрашувда Беларусь футболчилари Латвиянинг ўн тўрт карра чемпионини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Ўз мухбиримиз.

Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан

АСРЛАР ҚАЪРИДАН ДУР ҚИДИРИБ...

Кичик академия

Тошкентнинг сўлим гўшаларидан бири — Ишчилар шаҳарчасида жойлашган бу бино ён-атрофидаги уйлардан деярли фарқ қилмайди. Унинг қўшни ҳовлилардан фарқи, асосан, деворидаги уч лавҳада кўринади.

Ўқиймиз: "Бу уйда 1940-1968 йилларда буюк ўзбек адиби, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек яшаб ижод этган". "Бу уйда 1940-1980 йилларда биринчи ўзбек кимёгар олимаси, Ўзбекистон фан арбоби Зарифа Саидносир қизи яшаган". "Бу уйда 1940-1980 йилларда кимё фанлари доктори, профессор Суюнбек Ойбекович Тошмуҳаммедов яшаган".

Бу хонадон — икки академик, икки фан доктори ва кўплаб фан номзодларини етиштирган салоҳияти юксак даргоҳ, айтиш мумкинки, ўзига хос "кичик академия".

Адиб уй-музейидан репортаж

Мўъжазгина ҳовлининг чап томонидаги курсида Ойбек домла ўтирибди. Айни куч-ғайратга тўлган. Тиззасидаги китобга қўлини аваллаб қўйгану нигоҳини бир жойга тиккан. Чеҳраси очиқ, завқию шиддати баланд. Гўё ҳозиргина навбатдаги асарига сўнгги нуқта қўйгану ушбу музаффар лаҳзалардан боши осмонда. Мамнун. Сурурли.

Ҳайкалтарош Иван Клиницкий адибнинг маҳобатли қиёфасини шундай тасвирлаган.

Ўз вақтида бу ҳовлида не-не буюк зотлар меҳмон бўлмаган дейсиз. Ҳамид Олимжон латиф шеърлар ўқиган, Абдулла Қаҳҳор иккинчи жаҳон уруши фронтларидаги янгиликлардан сўзлаган, Ғафур Ғулом латифалар айтган. Миртемир, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов эса кунда-кунора Ойбекдан ҳол-аҳвол сўраб турган.

Ойбек домла дарвоза олдига ўз қўллари билан эккан чинор, ҳовлидаги мана бу арча ва чилонжийда не-не донишмандлар суҳбатларининг гувоҳи бўлган.

«Тўсманг, йигит, йўлимни...»

Музейдаги экспонатлар сони 15 мингдан ошади. Уларнинг орасида сурату расмлар кўп. Мана, улардан бири: эски мактаб. Бўйрага тиз чўккан болалар мутолаага берилган.

Оддий бўзчининг ўғли Ойбек ҳам Тошкентнинг Оқ мачит маҳалласидаги ана шундай мактабда сабоқ чиқарган. "Янги усул мактаби" деб аталмиш билим масканида, Алишер Навоий номидаги педагогика техникумида, Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ижтимоий фанлар факультетининг иқтисод бўлимида ўқиган.

(Давоми 4-бетда).

Жаҳон 24 соат ичида

Ҳарбийларга ҳужум

Чеченистонда Россия ҳарбийларига қарши уюштирилган ҳужум оқибатида беш нафар аскар ҳалок бўлди, уч нафари жароҳатланди. Ҳужум чоғида уч нафар жангари йўқ қилинган. Бундан бир ой илгари чечен айирмачилари етакчиси Аслан Масхадов вақтинчалик ҳужумни тўхтатишларини маълум қилганди. Муддат тугашига бир кун қолганда мазкур ҳужум юз берди.

Ҳозирда ҳудудда хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Чеченистон расмийларидан биринг айтишича, айирмачилар тарафидан яна ҳужум бўлиши мумкин.

Украина НАТОга кирмоқчи

Виктор Ющченко мамлакат президенти сифатида Украина НАТО ва ЕИга аъзо бўлиб киришга интилаётганлигини расман маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Украина Россия билан стратегик ҳамкорликни сақлаб қолади.

«Украина НАТО билан муносабатларини яхшилаш жараёнида Россияга қарши ҳаракат олиб бормайди», — дея баёнот берди президент ўз сўзида.

НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер ташкилот Европадаги барча демократик давлатларга нисбатан очиқ сиёсат олиб боришини таъкидлади. Бироқ, у расмий Киевнинг НАТОга қачон кириши тўғрисида ҳеч бир маълумот бермади.

Партияга нисбатан санкция

Буюк Британия ҳукуматининг Шимолий Ирландия ишлари бўйича вазири Пол Мерфи Шинн фейн партиясига молиявий санкция эълон қилинганлигини айтди. Ушбу партия ИРА ҳарбийлашган гуруҳи билан алоқа ўрнатганликда айбланмоқда. Бироқ Шинн фейн барча айбловларни инкор этаяпти. Эндиликда Шинн фейнга ҳамда партиянинг парламентдаги вакилларига берилаётган ёрдам миқдори кескин қисқартирилади.

Ҳозирда Британия ҳукумати ўтган йил декабрь ойида Белфастдаги банклардан бирида содир этилган ўғирликда ИРАни айбламоқда.

Қонун ижроси билан қудратлидир

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш йўли ҳеч бир мамлакатда ва ҳеч бир даврда енгил кечмаган. Бунинг учун, энг аввало, ушбу жамият кишиларининг тафаккурини ўзгартириш, демократиянинг туб моҳиятини англаб етишлари учун катта саъй-ҳаракатларни амалга ошириш лозим бўлади.Айтиш мумкинки,мамлакатимизда яқиндагина бўлиб ўтган парламент ислоҳотлари ана шундай ният ва амалнинг ўзгинасидир.Бу жараён ҳамюртларимизнинг нафақат сиёсий онгини оширди, балки уларни тарбиялади ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишга ундади ҳам.

Бугунги кунда таҳририятимизга келаётган хатларнинг ҳамда бўлаётган қўнғироқларнинг аксарияти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз қилган маърузаларида кўтарилган масалаларга дахлдордир.Табиийки, бу масалалар юртдошларимизни бефарқ қолдирмаяпти.Ва аксинча, уларнинг жамиятни ислоҳ қилиш йўлидаги хатти-ҳаракатларига куч ва илҳом бағишламоқда.Қуйидаги мақола ҳам ана шундай суҳбатлар жараёнида туғилди.

– Маърузадаги бешта устувор вазифа ва йўналиш ўзбек давлатчилиги юксалишнинг янги поғонаси арафасида турганлигидан далолат бермоқда, — дейди **Наманган вилояти хўжалик суди раиси Ҳасан Собиров.** — Ушбу муҳим вазифалардан бири — ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришдан иборат. Зеро, бу ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараёндир.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди.Жумладан, судларнинг ихтисослашуви, суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг янги самарали ҳуқуқий механизми яратилди. Суд қарорларини ижро этиш бўйича мустақил департамент идоралари фаолият кўрсатаётир. Прокуратура идораларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчилик нормаларига зарур ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, суд жараёнида тортишув тамойили, яраштирув институти жорий этилди ҳамда жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилмоқда. Буларнинг ҳаммаси бугунги кунда, табиийки, ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

– **Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида бу ижобий ютуқларни ҳам таҳлил этдилар, ҳам...**

– Тўғри, шу билан бир қаторда суд-ҳуқуқ соҳасидаги навбатдаги муҳим вазифа ва йўналишлар, уларнинг ечимига дахлдор масалалар хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар. Жумладан, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини ва эркинлигини таъминлаш, прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш, маълум бир тадбирларни амалга ошира бориб, келгусида санкция бериш ҳуқуқини ҳам судларга бериш лозимлиги, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида — жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини янада ошириш каби вазифалар шулардан иборат. Ва айни бир вақтда маърузада алоҳида таъкидланган хўжалик судларига дахлдор — тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан қонун ҳимоячиларининг масъулиятларини тубдан ўзгартириш ва бу ўринда эски тузумдан қолган иллатлардан тўла холос бўлиш лозимлиги ҳақидаги вазифага ҳам тўхтаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Дарҳақиқат, кейинги вақтларда тадбиркор, фермерлар, бизнес ва хусусий сектор вакилларининг ҳақ-ҳуқуқларини ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Ҳукуматимизнинг қатор қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Суд ислоҳоти

– **Бу борада вилоятда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Масалан, ўтган йили вилоят бўйича фермер хўжаликлари манфаатларига оид 346 та ариза ва даъво аризаси қабул қилинган. Уларнинг 192 таси (163,4 миллион сўм) қаноатлантирилган. 3 таси рад қилинган ва қолган аризалар ҳам қонун тартибида ҳал этилган. Шунингдек, хусусий тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб 45 та ариза ва даъво аризаси ҳам қабул қилинган.Уларнинг 34 таси (234 миллион сўм) қаноатлантирилган.

— **Ушбу рақамларни аниқроқ мисоллар билан шарҳлаб беришнинг иложи борми?**

— Албатта. Масалан, даъвогар, Наманган шаҳридаги хусусий тадбиркор Иброҳим Холмирзаевнинг жавобгари «Намангансувқурилиш» ОАЖнинг «Қурилиш ва таъминот» шўъба корхонасига нисбатан хўжалик иши кўриб чиқилиб, даъвогар фойдасига 11 миллион 160 минг сўм ундириб берилди. Ёки Поп туманидаги «Қуёшбек-XXI» деҳқон хўжалигига 131-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннадан 6 миллион 298 минг 830 сўм ундириб берилди.

— **Ўзингиз таъкидлаганингиздек, вазифалар ва йўналишлар кўлами ниҳоятда кенг. Уларни бажариш учун бутун кучларни бирлаштириш ва сафарбар этиш лозим. Шу ўринда Юртбошимизнинг фикрлари бизга яна ёрдамга келади: «Ҳар бир инсон буюк куч соҳибидир. Фақат уни уйғота билиш керак».**

— Фикрингизни англадим.Соҳа ислоҳотлари бўйича,ҳақиқатда ҳам, ишлар кўп, аммо режаларимиз ҳам бисёр. Биз, энг аввало, Президентимизнинг парламентнинг қўшма мажлисидаги маърузаларини жамоамиз билан чуқур ўргандик ва ўрганаяпмиз. Шу асосда иш режаларимизга ўзгартишлар киритиб бораяпмиз.Бундан ташқари, маъруза асосида алоҳида дастур ишлаб чиқдик. Ушбу дастурга мувофиқ, бугунги кундаги асосий вазифамиз — мамлакат келажагини белгилаб берадиган ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайдиган кичик бизнес вакилларига амалий ҳуқуқий ёрдам бериш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун йўли билан қатъий ҳимоя этиш каби долзарб масалаларга қаратилган.Бу масалаларни тубдан ҳал этиш учун, дастлаб судья ёки суд ходимининг билими, касб малакаси етарли бўлиши, қолаверса, у ўз вазифасини сидқидилдан ва ҳалол адо этиши керак. Шунингдек, тадбиркорлар, фермерлар, бизнес ва хусусий сектор вакилларини ҳимоя қилиш борасида яратилган қонунлар ижросини таъминлаш ва тарғиб қилиш ҳам бу борадаги ишларимизнинг асосий йўналишларидан биридир. Айни вақтда биз жойларда семинарлар ташкил қилаяпмиз, одамлар билан очиқ ва ошкора суҳбатлар бўлиб ўтаяпти. Зеро, ҳар қандай қонун ҳаётдаги ўз ижроси билан кучли ва қудратлидир.

Эсирган БОЛИЕВ ёзиб олди.

Беркишбой Ражабовнинг асли касби ҳайдовчилик. У 30 йилдан бери Ангрен шаҳридаги "Нефттранс" корхонасида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Жамоада ҳурмат-эътиборга эга. Беркишбой ака анчадан бери боғ яратишни ният қилиб юрарди. Бундан бир неча йил илгари ўзи истиқомат қилаётган Нишбош қишлоғида қаровсиз ётган 2 гектар майдонни ўзлаштириб, мевали кўчатлар экди. Ҳозир Беркишбой аканинг орзуси ушалган. Боиси кўчатлар мевага кириб, нафақат ҳамқишлоқлари, балки Ангрен шаҳар аҳолиси дастурхонини ҳам тўкин қилмоқда.

СУРАТДА: Беркишбой Ражабов дарахтларга шакл бермоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Уруғ саралаганнинг иши саранжом

Пахтадан яхши ҳосил етиштириш учун бу юмушнинг ҳалқаларини мустаҳкамлаб бормоқ лозим. Айтмоқчимизки, ерни ҳайдашдан тортиб, ғўзага ишлов бериш, озиқлантириш ва бошқа агротехника тадбирларида узилиш бўлса, бу охир-оқибатда панд беради. Ишнинг ҳар бир икир-чикири рисоладагидек бажарилмоғи лозим.

Уруғ танлаш, уни вақтида экишга тайёрлаб қўйиш ўша ҳалқаларнинг бош бўғинидир. Сурхондарёлик пахтакорлар айни шу бўғинга алоҳида эътибор қаратганлари туфайли кейинги йилларда салмоқли ютуқларга эришятилар. Биргина ўтган йили воҳада ҳар гектар ердан қарийб 25 центнердан ҳосил олингани ва бу республикамизнинг ўртача кўрсаткичидан юқори эканлиги фикримизнинг далилидир.

Муҳими, бултур шартнома режасини бажариш борасида шошма-шошарликка йўл қўйилмади. Чигити тўқ, толаси пишиқ хомашё тайёрланди. Мутахассислар воҳада 1-навга топширилган хомашёнинг аксарият қисмидан сифатли уруғ олиш мумкинлигини таъкидламоқдалар.

Шу кеча-кундузда эса пахта тозалаш корхоналарининг уруғлик чигит тайёрлаш цехларида иш қизғин.

— Заводлар бу йил 15 минг тонна уруғлик чигит тайёрлашни ўз зиммасига олишган, — дейди Сурхондарё вилояти «Пахтасаноат»

Қарор ва ижро

ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Худойкул Холтўраев. — Ҳозиргача биз қарийб 10 минг тоннадан зиёд уруғликни дорилаб, халталаб қўйдик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ғўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, Ангор, Жарқўрғон ва Хайроболддаги уруғлик чигит ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган заводларимизни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга эътибор бераяпмиз. Қумқўрғондаги «Олтин чигит» ўзбекюнон қўшма корхонаси жамоаси эса уруғлик чигитни кимёвий усул билан туксизлантириш бўйича ўз техник имкониятларини такомиллаштириб бораётир. Бу ерда ҳозир минг тоннадан кўпроқ чигит туксизлантириб қўйилди.

Яна бир гап. Сурхондарёликлар жорий йилда мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига ҳам 5803 тонна уруғлик чигит етказиб берадилар. Шу боис уруғлик тайёрлаш ишига жўн назар билан қарашга чек қўйилмоқда. Иш жараёни мутахассисларнинг, тегишли идоралар вакилларининг назоратида. Яъни, уруғлик чигитни буюртмачиларга вақтида етказиб бериш диққат-эътиборда турибди.

Бу йил воҳа деҳқонлари 120 минг гектар майдонда пахта етиштирмоқчи. Шу мақсадда ерларни текислаш, далага органик ўғит чиқариш, экиш техникаларини соз ҳолатга келтириш юмушлари якунланаяпти.

Пахтачиликнинг минг бир хил ташвиши бор. Шу ташвишлардан биронтасига эътиборсизлик ютуқлар ҳалқасини бўшаштириши мумкин. Шунинг учун сурхондарёликлар ҳар юмушда, ҳар қадамда омилкорлик зарурлигини яхши англаган ҳолда иш юритмоқдалар.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

бериб келади. Япония ҳам иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда. У сармоя соҳасида Ўзбекистоннинг энг йирик шерикларидандир. Шу вақтгача юртимизга ки-

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ЭЪТИБОРИ

ритилган Япония сармояси ҳажми салкам икки миллиард АҚШ долларига етди. Бунинг 910 миллион долларини кадрлар тайёрлаш, энергетика, транспорт инфратузилмаси ва телекоммуникация тармоқларига доир лойиҳалар учун ажратилган имтиёзли кредитлар ташкил этади.

Ижтимоий аҳамиятга молик, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига оид лойиҳалар учун 160 миллион АҚШ доллари ажратилди. Шу кунларда эса Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятларидаги шифохоналарга тиббий асбоб-ускуналар етказиб беришни кўзда тутувчи грант-шартномалар имзоланди. Уларнинг умумий қиймати 270 минг АҚШ долларига яқин.

Япония ҳукумати йил давомида юртимизда ўрта таълим мактабларини замонавий жиҳозлаш бўйича бир неча лойиҳани амалга ошириш ниятида. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 360 минг АҚШ долларига етади.

Булардан ташқари, ҳамшираликка ўқитишни яхшилаш лойиҳасини давом эттириш (2004-2009 йилларга мўлжалланган), соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказиш, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг Японияда малака ошириши, оналар ва болалар саломатлиги масаласига доир қатор тадбирлар мўлжалланмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисодиёт вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири Э.Ғаниев, Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичиро Кусумото иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон кино санъати музейи очилди



Мамлакатимиз пойтахтида Ўзбекистон кино санъати музейи очилди. У Республика Киночилар уйида жойлашди. Музейнинг очилиш маросимида сўзга чиққан "Ўзбеккино" Миллий агентлиги Бош директори Мурод Муҳаммад Дўст, "Тоҳир ва Зуҳра" фильмида Тоҳир ролини ижро этган Ғулом Тожиаъловев, киношунос Ханжара Абулқосимова ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги унинг маданияти ва санъатида яққол намоён бўлишини таъкидладилар. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидан Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда миллий маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маънавий қадриятларни тиклаш, маданий меросни асраб-авайлаш — буларнинг ҳаммаси баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур соҳага оид фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг изчил амалга оширилаётгани бунинг амалий ифодасидир.

Президентимизнинг 2004 йил 16 мартдаги "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонида кино ходимлари олдига кино санъати ёрдамида мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва эркин демократик жамият қуриш йўлидаги ютуқларни акс эттириш, миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, бу жараёнда, айниқса ёшлар тарбиясида кинематографиянинг ролини кучайтириш каби хайрли мақсадлар қўйилган.

Энди кино санъати ихлосмандлари ўзбек кинематографияси тарихи билан чуқурроқ танишиш имкониятига эга бўлди. Бунинг учун йигирма беш мингдан ортиқ экспонатдан иборат экспозиция ташкил этилди. Улар архив материаллари, киноқайдлар, фотоқайдлар, тарихий суратлар, кадрлар, афишалардир. Музейда "Тоҳир ва Зуҳра", "Маҳаллада дув-дув гап", "Шум бола" каби миллий кино санъатимиз дурдоналарининг яратилиши ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд. Бу ерда ўзбек киносининг асосчилари — Худойберган Девонов, Сулаймон Хўжаев, Наби Ғаниев, Комил Ёрматов ижоди билан танишиш мумкин. Экспозиция XX аср бошларидан бугунги кунгача бўлган даврни қамраб олган.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Газетада босилмади, аммо...

Маъмурий чора кўрилади

Сариосиёлик А.Жумақулиев таҳририятимизга шикоят хати йўллаб, унда Шарғун шаҳри аҳолиси учун савдо хизмати кўрсатувчи "Шарғунсавдо" масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконлари кундалик эҳтиёж моллари билан тўлиқ таъминланмаганлигини, бу эса одамларнинг эътирозига сабаб бўлаётганини ёзган эди. Сариосиё тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.САФАРОВ имзоси билан мазкур шикоят хати юзасидан келган расмий жавобда таъкидланишича, *"ҳақиқатан ҳам, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари "Шарғунсавдо" масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконларида мавжуд бўлса-да, захираси йўқлиги аниқланган. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги қарори талаблари тўлиқ бажарилмаганлиги юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида жамият раҳбари Н.Холиқова, бош ҳисобчи А.Холиқов ҳамда савдо шохобчаси мудираси З.Нормуродовага нисбатан маъмурий иш қўзғатилган. Ҳозирда ушбу иш кўриб чиқилмоқда. Мазкур масала туман ҳокимлиги назоратига олинган".*

...Миллий хавфсизлик хизматига келиб тушган ташвишли маълумотда республиканинг бир қатор вилоятларида ҳуқуқ-тартибот ходимлари фуқароларни наркотик моддалар билан муомала қилишда айблаб, ноқонуний қамоққа олаётгани ҳақида айтилган эди.

Дастлабки маълумот бу жиноятларни амалга оширишда гумон қилинаётган ҳуқуқ-тартибот ходимларининг шахсини аниқлаш имконини берди. Улар масъул лавозимларни эгаллаб келишаётгани боис тезда чоралар кўрилмаса яна кўпчилик азият чекиб, жиноят излари ёпиб юборилиши мумкин эди. Шунинг учун, жиноий фаолиятнинг барча жиҳатларини очиш, туҳматчи, зўравон кимсаларни далил-исботлар билан фош этишга қаратилган кенг миқёсли тадбирлар бошлаб юборилди.

ТУҲМАТ

2003 йил мартидан июль ойининг ярмига қадар Жиззах, Самарқанд ҳамда Сирдарё вилоятларида рўй берган бу воқеаларга алоқадор бўлган, эшитган, билган барча оёққа турғазилди. Ноҳақ судланган фуқароларга юритилган жиноят ишлари архивлардан чақириб олинди, жабрланганларнинг, гувоҳларнинг кўргазмалари ҳужжатлаштирилиб, Миллий хавфсизлик хизмати Тергов бошқармаси очган жиноят ишига бириктирилди.

Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, бир гуруҳ фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситиб, қадр-қимматини оёқости қилиб келган ходимларнинг ўзбошимчалиги узоққа бормади. Улар тез орада эгаллаб турган лавозимидан четлатилиб, Жиноят кодексининг қатор моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортилди. Жиноий гуруҳ Самарқанд вилоятида яшовчи Баҳодир Ихтиёров (фамилияси ўзгартирилган), божхона ходимлари А.Маҳмудов, А.Турсунов, ички ишлар ходимлари А. Қаршибоев, А.Шодмонов, С.Шодмонов ва МХХ ходими Н.Намозовдан иборат эканлиги аниқланиб, улар қўлга олинди.

Тергов, суриштирув ишлари жадал давом этди. Асосий эътибор жиноий гуруҳ аъзолари фаолиятининг барча қирраларини очишга, туҳмат қурбонларининг номини оқлашга қаратилди. Терговчиларни ташвишга солиб, жадал иш олиб боришга ундаган нарса шу бўлдики, туҳматдан азият чеккан фуқароларнинг бир қисми судланиб, узоқ муддатларга жазога маҳкум этилган, қолганлари эса қамоқда ушлаб турилган эди.

Тадбирлар натижасида аниқланишича, фуқароларни ноҳақ айблаб, жавобгарликка тортиш усули жўнгина бўлиб, аксарият ҳолларда бенуқсон иш берарди. Жабрланган фуқаролар, асосан, хусусий такси ҳайдовчилари бўлиб, улар Б.Ихтиёров томонидан танланган. У бирон жойга олиб бориб қўйишни сўраб, машинага ўтирар, йўл-йўлакай ҳайдовчиларга сездирмай кукунсимон моддани машина ичида қолдирарди. Кейин эса қўнғироқ қилиб, "героин" олиб кетаётган машинанинг белгилари ҳақида шерикларига хабар қилар эди. У машинадан тушиб қолгандан кейин божхона ходимлари ўтказган текширув жараёнида салондан топилган оқ тусли номаълум модда текширувга юборилади.

Шу тариқа ўша куни Баҳодирнинг қўлига тасодифан илиниб қолган алебастр ёки шунга ўхшаш оқ рангли кукун модда ички ишлар идораларидаги айрим виждонсиз экспертларнинг айби билан "диацетилморфин" яъни, заҳри-қотиллиги билан танилган героин наркотик моддаси деб номланиб, далилий ашё сифатида жиноят ишига бириктириб борилар эди. Ана шундай тадбирлардан бири, мисол учун, 2003 йил 25 июнь куни Самарқанд шаҳрида ўтказилди.

Шу куни Б.Ихтиёров Регистон майдонида турган таксилардан бирининг ҳайдовчиси бўлган Тойлоқ туманида яшовчи Жасур Эшонқулов билан гаплашиб, уни Гагарин кўчасига элтиб қўйишга кўндиради. Ҳайдовчи билан йўлда гурунглашиб бораётиб, сохта героин жойланган пакетни унинг ўриндиғи тагига яширинча жойлаб қўяди. Баҳодир машинадан тушгач, дарровда телефон орқали шерикларига "героин" олиб кетаётган машина ҳақида хабар қилади.

Ўша вақтда республика Давлат божхона қўмитасида бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилиб келаётган Абдубаннон Маҳмудов келиб, ўзини таништиради ва ҳайдовчидан машинасида ноқонуний буюмлар бор-йўқлигини суриштиради. Бундай нарсалар йўқлигини ишонч билан айтган Жасур бир зум ўтиб лол бўлиб қолади. Чунки машинасидан топилган номаълум оқ модда уни божхоначилар олдида субутсиз бир жиноятчига айлантириб қўйганди. Бунинг устига Жиззах вилояти божхона бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари Абдували Турсунов ушбу "тадбирни" видеокамерага тушираётгани шундоқ ҳам нима бўлаётганини тушуна олмай қўрқиб кетган таксичини тамомила саросимага туширди...

А. Турсунов машинадан топилган оқ кукун моддани Самарқанд шаҳар Боғишамол туман ички ишлар бўлимига олиб бориб, эксперт С.Шодмоновнинг қўлига топширади-да, тезда текшириб, наркотик модда эканлиги ҳақида хулоса ёзиб беришни талаб қилади. Тез орада талаб қилинган хулоса ҳам тайёр бўлди ва у кейинчалик Эшонқуловга нисбатан жиноят иши қўзғатишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Бу сохтакорлик оқибатида Ж.Эшонқулов 3 ой қамоқда ўтирди.

Тергов жараёнида фуқароларни наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларда асоссиз айблаб, қўлга олиш ҳолатларидан 13 таси аниқланиб, судда исботини топди. Жабрланганлар Жиззах вилоятида яшовчи Т.Умаров, К.Сулеев, И.Саитов, Навоий вилоятида яшовчи А.Абдуқодиров, Сирдарё вилоятида яшовчи У.Умарқулов, Н.Эгамназаров, А.Абдувоҳидов, Р.Абдумажитов, Самарқанд вилоятида яшовчи Б.Муқимов, А.Солиев, Ж.Эшонқулов, С.Обидов, А.Попов, С.Штукатуров, Т.Қаршиев, Д.Мухторов, Қ.Мамасолиев ва А.Ғуломовлар эди.

Булар, агар таъбир жоиз бўлса, туҳматдан бевосита азият кўрганлар. Уларни уйда кутаётган ота-онаси, ака-укаси, хотини, фарзандлари-чи? Туҳмат касофати уриб, яқин кишисининг бехос темир панжара ортига тушиб қолиши озмунча хавотир, ғамташвиш олиб кирмади бу оилаларга?!

Бу ишларни тергов қилиш жараёнида 10 та ҳолатда экспертлар томонидан нотўғри хулоса бериш жинояти аниқланди. С.Шодмоновдан ташқари Сирдарё ва Жиззах вилояти ИИБ катта экспертлари А.Шодмонов ҳамда А.Қаршибоевлар ҳам топширилган вазифани виждонан бажаришга лаёқатсиз, эгаллаб турган лавозимларига номуносиб эканлигини кўрсатишди. Уларнинг Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа йўриқномалар меъёрларидан четга чиқиши фуқароларнинг қонун ҳимоясидаги ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини менсимаслиги бир қатор инсонлар ноқонуний қамоққа олиниб, туҳмат жабрини тортишларига олиб келди.

Бу тафсилотлар кейинроқ очилди. Унгача эса гуноҳсиз фуқароларни туҳмат маълумот асосида қўлга олиш тадбирлари шитоб билан давом этди...

Жиноий фаолият билан шуғулланганлар орасида МХХ Жиззах вилояти бўйича бошқармаси ходими Нарзулло Намозов ҳам бор эди. 24 март куни кечаси унга Б.Ихтиёров гўёки Навоий вилоятида яшовчи Абдурозиқ Абдуқодиров ўзи билан Гагарин шаҳрига Тўрахон Умаров деган кишининг уйига "БМВ" русумли автомашинасини героинга айирбошлаш мақсадида келаётгани ҳақидаги сохта хабарни етказади. Н. Намозов маълумотни текшириб ҳам ўтирмай, туҳмат тошига рўпара келиб қолган инсонларни қўлга олиш тадбирини ўтказа кетди. Оқибатда

Рағбатлантириш — бош омил

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: «...Устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатимизни такомиллаштириш билан боғлиқ. Бусиз ҳеч қандай масалани ҳал этиб бўлмайди», деб алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, мамлакат иқтисодиёти ривожини молиявий ресурсларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлат бюджетининг даромадлар қисми, асосан, солиқлардан иборат. Шу боис ҳам Президентимиз ушбу соҳанинг ривожланиши, имкониятларига катта эътибор қаратмоқдалар.

Тарихий манбаларда, «Кеманинг сузишида елкан қандай зарур бўлса, солиқлар давлат учун шу даражада шарт», деган ҳикмат бор. Бу жуда топиб айтилган. Чунки елкан фақат кеманинг денгизда сузиши учун эмас, балки уни бандаргоҳга киритиш учун ҳам керак. Фаолиятимизга келсак, вилоятимизда солиқ тўловларини йиғишда мутахассисларимизнинг йил сайин тажрибалари ортиб бормоқда. Шунинг самараси сифатида солиқлар режаси нафақат бажарилаяпти, балки йиғим миқдори йилдан-йилга ошиб бораяпти. Бу, биринчи навбатда, аҳоли солиқлар давлат сарф-харажатларининг асосий манбаилигини тушунаётганлигини ҳамда мамлакатимизда солиқ маданияти ошаётганлигини кўрсатади. Фикримизни рақамлар мисолида айтадиган бўлсак, 2004 йилда вилоятимизда давлат бюджетига маблағ тушириш 136 млрд. 936 миллион сўмни ташкил этди. Бу аввалги йилдагига қараганда 25 миллиард 479,6 миллион сўм, режадагидан 5 млрд. сўм кўп демакдир.

Сир эмас, нақд пул таъминоти узил-кесил ҳал эта олингани йўқ. Аммо масаланинг ечимини топишда солиқ тизимида самарали натижа берадиган бир қанча тадбирлар амалга оширилаяпти. Жумладан, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши, хуфиёна иқтисодиётга чек қўйишга катта эътибор қаратаяпмиз. Ўтган йили 994 та текшириш ўтказилган эди. Унинг 98,7 фоизида савдо пулларини банк муассасаларига топширмаслик, назорат-касса машиналарига кирим қилмаслик ҳолатларига дуч келинди. Нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик субъектларида ўтказилган кузатув мониторинглари туфайли банкларга 1 миллиард 248,8 миллион сўм қўшимча маблағ келиб тушди. Субъектларнинг йирик пул айланмалари бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида эса даромадни яшириш, харидоргир маҳсулотларга пул ўтказиб, нақд пулни банкларга топширмаслик, тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатиш ҳоллари аниқланди.

Дарҳақиқат, хуфиёна иқтисодиёт билан шуғулланиб ноқонуний даромад то-

Солиқ тизими

паётган корхоналарга, фуқароларга қарши кескин кураш олиб бориш шу кунларнинг вазифаларидан. Бултур бу борада 96 та яширин цех фаолияти фош этилди. Аммо ҳар бир шаҳар ва туманда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехларни ҳали йўқ, деб бўлмайди. Айниқса, алкоголли ичимликлар, «қўлбола» ароқлар тайёрлайдиган цехлар ҳам давлатга, ҳам халққа катта зарар келтираяпти. Чунки бундай цехлардаги ичимликлар техник спиртдан тайёрланади. Оқибатда уни истеъмол қилган кўплаб кишилар ўз соғлиғини йўқотмоқдалар, ҳатто ҳаёт билан видолашаётганлар ҳам учрамоқда. Ҳаром пул кўзларини кўр, қулоқларини кар қилган виждонсиз кимсаларни бу аянчли оқибат мутлақо ўйлантирмаяпти.

Ер, сув — халқ бойлиги. Улардан оқилона фойдаланиш инсоний бурчимиздир. Хўжалик юритувчи субъектлар ва хонадонларда ўтказилаётган инвентаризация натижалари, афсуски, шу бебаҳо бойликлардан хўжасизларча фойдаланаётганлар ҳам борлигини кўрсатмоқда. Мисол учун, ўтган йилги текширишлар натижасида вилоятда 1702 гектар қўшимча ер майдонлари аниқланиб, 165 миллион сўм ундирилди. Шунингдек, қонунбузарликлар боис 1 миллион 787,3 минг сўмлик сув солиғи ҳисобланди.

Амалиётга татбиқ этиладиган ҳар бир янгилик, ташаббус самара бериши аниқ. Чунончи 2004 йилда «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Ибратли маҳалла оқсоқоли ва намунали участка давлат солиқ инспектори» кўрик-танлови ўтказилди. Унда Касби туманидаги «Ғалаба» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Х. Отамуродов ҳамда участка давлат солиқ инспектори М. Шодмонов ғолиб деб топилди. Чунки улар бир йил ичида қўшимча равишда ўнлаб хўжаликларни мол-мулк, ер солиғига тортиб, давлат бюджетига кутилганидан 5 млн. 452 минг сўм кўп маблағ туширишга эришганлар. Яна бир аҳамиятли томони, уларнинг профилактик фаолияти боис қишлоқда тадбиркорлар сони 66 нафарга кўпайган. Шу билан бирга бир нечта яширин цехни фош этишган. Бу яхши, албатта, лекин Юртбошимизнинг: «Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим», дея қўяётган вазифалари асосида кенгроқ иш ташкил қилишимиз зарур. Ўзингиз ўйланг, бошқармамизда 145 та участка давлат солиқ инспектори фаолият юритаётганлигини назарда тутиб, уларнинг юқоридаги сингари фаоллигини таъминласак, давлатимиз қудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишимиз турган гап.

Нурмат ЖЎЛИБЕКОВ,
Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.

АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА !

Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибни бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқини поймол қилишга йўл қўйилганда шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача)

137-01-11
рақами билан
«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»га
қўнғироқ қилинг.

Манзил:
Тошкент шаҳри,
А. Толстой кўчаси, 1-уй.
E-mail: sanktsiya@gis.uz

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат алоқа инспекцияларида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) қуйидаги «Ишонч телефони» хизматига мурожаат қилишингиз мумкин:

1.	Қорақалпоғистон Республикаси	224-01-11
2.	Андижон вилояти	24-01-11
3.	Бухоро вилояти	223-01-11
4.	Жиззах вилояти	226-01-11
5.	Қашқадарё вилояти	221-01-11
6.	Навоий вилояти	224-01-11
7.	Наманган вилояти	6-01-11
8.	Самарқанд вилояти	22-01-11
9.	Сирдарё вилояти	40-01-11
10.	Сурхондарё вилояти	7-01-11
11.	Тошкент вилояти	135-01-11
12.	Фарғона вилояти	23-01-11
13.	Хоразм вилояти	226-01-11
14.	Тошкент шаҳри	136-01-11.

Корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга жавоб берувчи сифат бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 349-қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида

«MANAGEMENT CONSULTING» КОМПАНИЯСИ

6 кунлик «ИСО 9001:2000 халқаро стандартига мос келувчи сифат бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш»

курсига таклиф этади.

Курс 2005 йил март ойининг бошида «Камалак» пансионати (Оқтош)да ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар билан қуйидаги телефонлар орқали танишишингиз мумкин: 136-14-09, 154-66-98.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

ЕИ — АҚШ саммити:

МУНОСАБАТЛАР БИРОЗ ЮМШАДИ

Брюсселда ЕИ — АҚШ саммити бўлиб ўтди. Унда иттифоққа аъзо 25 мамлакатнинг ҳукумат ва давлат раҳбарлари ҳамда АҚШ президенти Жорж Буш иштирок этди. Хабарингиз бор, Ироқ масаласида ЕИ ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар совуқлашганди. Саммит чоғида ана шу масалага эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, томонлар Эрон ва Яқин Шарқ атрофида кечаётган воқеаларни ҳам атрофлича муҳокама қилишди. Хитойга қуроллароғ етказиб беришни тақиқловчи эмбаргони олиб ташлаш, БМТни ислоҳ қилиш ва Киото протоколи ҳам давлат раҳбарлари ўртасида қизғин баҳсларга сабаб бўлди.

Саммит сўнггида ўтказилган матбуот анжуманида Жорж Буш журналистларга АҚШ Эронга ҳужум қилишни режалаштирмаётганлигини таъкидлади. У Европа давлатлари расмий Теҳрон билан ядровий дастур атрофидаги муаммоларни ҳал қилиш йўлида музокаралар ўтказилаётганлигига алоҳида тўхталди. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирча бу масалада томонлар бир қарорга келишмаган.

Бундан ташқари, Жорж Буш Ироқда НАТО фаолиятини кенгайтиришга алоҳида урғу берди. Унинг айтишича, саммит иштирокчилари Ироқ масаласида барча ЕИ мамлакатлари бефарқ қараб турмасликларини бир овоздан маъқуллашган.

Ю. БЎРОНОВ.

Интерпол огоҳлантиради

Интерпол раҳбари Рональд Ноублнинг огоҳлантиришича, айни пайтда барча мамлакатлар биотеррорга тайёр эмас. Унинг «Би-Би-Си» мухбирига берган интервьюсида айтишича, «Ал-Қоида» тарафидан уюштирилиши мумкин бўлган хуружлар хавфи ҳали тўлиқ бартараф этилганича йўқ.

Интерпол маълумотларига қараганда, айни пайтда «Ал-Қоида» биологик ва кимёвий қуроллардан фойдаланишни режалаштираяпти. Мабодо шундай ҳол рўй берадиган бўлса, 4 миллион нафарга яқин одамнинг ҳаёти хавф остида қолади.

Интерпол биотеррорга қарши Франциянинг Лион шаҳрида 1 март куни халқаро конференция ташкил қилмоқчи. Унда дунёнинг турли давлатларидан 400 га яқин полициячилар ва тиббиёт ходимлари иштирок этиши кутилаяпти. Улар бугунги мавжуд аҳволни муҳокама қилишади.

Номзодлар бекор қилинди

Фаластин мухторияти Бош вазири Аҳмад Куреи вазирликка номзодларнинг барчасини инкор қилди. У Вазирлар Маҳкамаси таркибига номзодларни ўзи тақдим қилмоқчи.

Фаластин парламентининг кўплаб депутатлари Аҳмад Куреининг ушбу ҳаракатини кескин қораладилар. Улар назарида Бош вазирнинг ушбу ҳаракати мухториятда коррупция авж олишига замин яратиши мумкин.

1,5 фоизга пасайди

Жанубий Корея Марказий банки томонидан Америка долларига нисбатан навбатдаги зарба берилди. Расмий Сеул давлатнинг олтин валюта захираларини диверсификация қилишини (валюталар турини кўпайтиришни) маълум қилди. Шу пайтга қадар Америка давлат облигациялари жамғариб бориларди.

Ўтган ҳафта маълумотларига қараганда, Жанубий Корея валюта заҳираси экспорт ҳажмининг ошиши эвазига 200 миллиард долларга етган.

Ушбу воқеалардан сўнг доллар қиймати 1,5 фоизга пасайди.

Сиам эгизаклари ажратиб олинди

Мисрлик шифокорлар ўн ойлик чақалоқнинг бошини жарроҳлик йўли билан муваффақиятли ажратиб олишди. Манар Магед исмли ушбу чақалоқ ҳам сиам эгизакларидан бири бўлиб, унинг шериги ҳомиладорлик пайтидаёқ ривожланмай қолганди.

Шифокорларнинг таъкидлашича, 13 соат давом этган операциядан сўнг бола ўзини яхши ҳис қила бошлаган.

Лойиҳа учун 20 миллиард доллар

Ҳиндистон нефть-газ компанияларидан бири — ONGC директори Субир Раха Россияда нефть ва газ қазиб олиш лойиҳаси юзасидан «Газпром» билан ҳамкорлик қилишни режалаштираётганини маълум қилди. Директорнинг сўзларига қараганда, компания ушбу лойиҳа учун 20 миллиард доллар сарфламоқчи.

Лойиҳа яқин беш йил мобайнида амалга оширилади. Айни пайтда Россияда Ҳиндистон компаниялари иш бошлаган. Лойиҳани молиялашнинг 20 фоизини ONGC компанияси ўз зиммасига олган.

Инсонпарварлик ёрдами етарли эмас

Сешанба куни эрталаб Эроннинг жануби-шарқида юз берган зилзила оқибатида 546 нафар одам ҳалок бўлган. Ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 6,4 баллни ташкил этганди. Ҳукумат вакилининг сўзларига қараганда, қурбонлар сони бундан икки ҳисса кўп бўлиши мумкин. Ер қимирлашидан жабр кўрган ҳудудларга етарлича ёрдам кўрсатишнинг имкони бўлмаяпти. Аҳоли очиқ ҳавода озиқ-овқатсиз қолмоқда. Шифохоналарда жой етишмаслиги туфайли жароҳатланганлар қабул қилинмаяпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШИ

бир гуруҳ кимсалар қуролига айланиб, ундан гуноҳсиз фуқаролар жабр кўргани ҳақида

А.Абдуқодиров Гагарин шаҳридан таксида чиқиб кетаётганида Б.Ихтиёров ташлаб қўйган 850 грамм кукунсимон модда билан қўлга олинди. Ўша куннинг ўзида Гагарин шаҳрида яшовчи Тўрахон Умаров ҳам ноҳақ панжара ортига тушди.

Жиззах вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлими катта эксперти Анвар Қаршибоевнинг жиноятқорона масъулиятсизлиги нотўғри экспертиза хулосаси берилишига олиб келди. Оқибатда Жиззах шаҳар суди қўлга олинганларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми бўйича жавобгарликка тортиб, Т.Умаровни 13 йил, А.Абдуқодировни эса 12 йилга озодликдан маҳрум этди.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, ҳар сафар ҳам жиноятчиларнинг ошиғи олчи бўлавермаган. Бу 2003 йил 3 июль куни Солижон Обидов, Сергей Штукатуров ва Александр Поповларни қўлга олиш билан боғлиқ воқеада намоён бўлди.

Штукатуров ва Поповни гўёки Тошкентда ишлатиш учун ёллаган Баҳодир Ихтиёров халтасидан қандайдир қутини чиқариб, уни шерикларидан юкларига қўшиб қўйишни сўрайди. Одатдагидек, улар кетаётган С.Обидов бошқарувидаги "Тико" Оқ олтин туманидаги "Сардоба" масканида тўхтатиб, текширилди. Оқибатда "Тико" ҳайдовчиси иккала йўловчи билан қўлга олиниб, сохта героин эса экспертизага юборилди.

Текширувчилар бу сафар ҳам экспертлар талаб қилинган хулосани беришларига шубҳа қилмай, кейинги "қўлга олиш" тадбирларини уюштиришга киришиб кетишди. Лекин иш бошқача кетди. Сирдарё вилояти ИИБдагилар 2 килограммдан ортиқ оқ кукун моддани ҳатто юзаки қараганда ҳам героинга ўхшамаслигини айтиб, текширмай қайтариб беришди. Бу ҳақдаги хабар тадбирнинг бошида турганлардан бири — А.Маҳмудовга ёқмади.

У вилоят экспертларининг хулосасидан қониқмай, Х.Сулаймонова номидаги республика суд-экспертиза марказига мурожаат этди. Пойтахтлик экспертлар ҳам Сирдарёдаги ҳамкасблари хулосасини тасдиқлашди ва текширилган модда формальдегид олигомери, яъни параформ эканлиги, наркотик модда эмаслиги ҳақида ёзма хулоса беришди.

Лекин А. Маҳмудов Сирдарёдан Тошкентга бундай хулосани олиш учун келмаган эди. У экспертларга бу героиннинг янги "Оқ пари" деган тури эканлиги, уни яхшироқ текшириб кўриш зарурлигини уқтирди. Ўтказилган чуқур текширув ҳам аввалги хулосага бирон-бир янгилик киритмади. Текширув натижаси "режадагидек" чиқмагани А. Маҳмудовнинг ғазабини кўзғатди. Чунки у "Тико"дан сохта героин топишган куниёқ республика божхона қўмитаси раҳбарияти номига 2 килодан ортиқ героин наркотик моддаси олиб кетаётган фуқаролар қўлга олингани ҳақида хабар бериб улгурган эди. Яхшики, ҳақ жойида қарор топди. 2003 йил 11 июль куни Сирдарё вилояти божхона бошқармаси С.Обидов, С.Штукатуров ва А.Поповларнинг хатти-ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли уларга нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этди.

А. Маҳмудов бекорга чопмаган эди. У Б. Ихтиёров "операция"ни амалга ошириш жараёнида сохта кукун орасига, кам бўлса-да, росмана героин ҳам қўшаётибди, деб ўйларди. У А.Турсунов героин сотиб олиб, оқ кукунга аралаштириш учун берган пулларни Баҳодир шахсий эҳтиёжига сарфлаб келаётганини билмасди. Кукунсимон модда билан ҳам Турсунов таъминлаб келарди.

Бу виждонсиз кимсаларнинг осон натижа ортидан қувиб, қандай бўлмасин юқори раҳбарият олдида ўзини кўрсатиш, тезроқ юқорироқ лавозимни эгаллаш нияти анча-мунча инсонларнинг ҳаловатини бузди, ноҳақ жабр тортишига сабаб бўлди.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, улар қамашни мўлжаллаган фуқарони тополмай қолишса, унинг ўрнига дуч келган одамни қўлга олишган. Гагарин шаҳрида яшовчи Икром Саитовга қарши туҳмат уюштиришда ана шундай ҳолат юз берди.

Аввалдан тузилган режага мувофиқ, Баҳодир бу тадбиркор сумкасига "героин" ташлаб қўйиши керак эди. Лекин бунинг имкони бўлмади – Саитов қаергадир кетган экан. Шунда "натижасиз" қайтмаслик учун А.Турсунов Баҳодирга тезда бошқа бир кишини топишни буюрди. Б.Ихтиёров ҳам ортиқча бошини қотирмади, атрофга аланглаб, яқинроқда турган икки кишига кўзи тушди. Дарров улар олдига бориб, олди-қочди гаплар билан ишончига киришга уринди. Гап орасида улардан бири — Қуандиқ Сулеевнинг қўлига "героинли" пакетни тутқазиб, ушлаб туришни илтимос қилди. Қ.Сулеевнинг қўлларини қайириб олиб кетишаётганда ҳам у гап нимадалигини билмай ҳайрон эди.

Шу тариқа тириклик ташвишлари билан Саитовнинг дўкони олдига тасодифан келиб қолган Қ.Сулеев бир неча дақиқа ичида жиноятчига айланди-қолди. Жиззах вилояти ИИБ катта эксперти А.Қаршибоевнинг ёлғон хулосаси асосида ростакамига жиноят иши қўзғатилди. Вақти-соати етиб, 283 грамм "героин" билан қўлга олинган Қ.Сулеев 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Эҳтимол, муҳтарам газетхон "Саитов жиноятчилар чангалидан қутулиб қолибди-да", деган ўйга бориши мумкин. Бахтга қарши бундай бўлиб чиқмади. Орадан 2 кун ўтиб И.Саитов ҳам худди Сулеев каби туҳмат қурбонлари рўйхатидан жой олди.

Ушбу жиноий гуруҳ ишини тергов қилиш жараёнига республика Бош прокуратураси ходимлари ҳам бош қўшишди. Аниқланган янги тафсилотлар асосида сохтакорлик билан юритилган жиноят ишлари қайта кўриб чиқилди, ноҳақ суд ҳукмлари бекор қилинди. Жабрланган фуқаролар озод этилди, оиласига қайтди, қуруқ туҳматдан фориғ бўлдилар. Жами 18 нафар фуқаро ноҳақ қўлга олинган бўлиб, улардан 13 киши тергов қилинган, 5 киши суд томонидан 6 йилдан 13 йилгача муддатларга озодликдан маҳрум этилган эди.

Туҳмат асосида уйдирма айблов билан фуқароларни қаматиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситган кимсалар қилмишларига яраша жазоланди. Суд жараёнида уларнинг ҳар бирининг айбдорлик даражаси, қўлга олишлардаги иштироки ҳам ҳисобга олинди. Ҳарбий суд ҳукми билан Б.Ихтиёров ва А.Турсунов ҳар бири 15 йилдан, А.Маҳмудов – 8 йилу 8 ой, А.Қаршибоев – 11,5 йил, А.Шодмонов ва С. Шодмоновлар ҳар бири 7 йилдан, Н.Намозов 5 йилга озодликдан маҳрум этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармонининг 2-моддасига мувофиқ Намозов жазо муддатини ўташдан озод қилинди.

А.Қаршибоев капитан, А.Шодмонов, С.Шодмоновлар эса лейтенант унвонларидан, шунингдек, 3 йил мобайнида экспертлик фаолияти олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар.

Бу шахсларнинг қора курсига ўтиришига амалпарастлик, шуҳратпарастлик каби иллатлар сабаб бўлди. Осон мансабга эришиш йўлида кўзини шира босган бу кимсаларда юқоридаги иллатларни енгиш учун ирода, ҳуқуқий маданият, қолаверса инсонийлик етишмади. Катта мансаб, обрў-эътиборга нопок йўллар, ўзгалар кўз ёши эвазига эришганлар узоққа бормайди. Айниқса, бу каби аянчли ҳолат хизмат бурчи фуқаролар тинчлиги, осойишталигини сақлашдан иборат бўлган масъул ходимлар учун умуман номақбулдир.

Б. УММАТОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ

«O`ZTEMIRYO`LYO`LOVCHI» ОАЖ

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР БИЛАН ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙЛАБ ТАШИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА.



ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ ЙИЛЛИК ВА БИР МАРТАЛИК ТЕМИР ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ БЎЙИЧА ЙЎЛОВЧИ ВА ШАҲАР АТРОФИГА ҚАТНОВЧИ ПОЕЗДЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХОҲИШИГА КЎРА, ТЕМИР ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ БИРОР КИШИГА ЁКИ ТАЛАБ ҚИЛУВЧИ НОМИГА ЁЗИБ БЕРИЛИШИ МУМКИН.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700060, Тошкент шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 34-уй. Телефон: 138-82-20.

Хизматлар лицензияланган.

АСРЛАР ҚАЪРИДАН ДУР ҚИДИРИБ...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биринчи шеърий тўплами "Туйғулар" техникумда ўқиб юрганида чоп этилган.

Бўлғуси адиб аълочи қиз — Зарифани ҳам илк бор ўша ерда — техникумда учратган. Бир умрга унга кўнгил қўйган, дастлабки ва кейинги аксарият шеърларини ҳам унга бағишлаган. Севгининг дардида изтироблар чекиб, оташин мактублар битган:

Севгилим, хаёлинг
мангу боғлади,
Шу ўксик кўнглимга
нега боқмадинг?..

Маъшуқасидан мана бундай ҳаяжонли жавоблар олган:

Тўсманг, йигит, йўлимни,
мен уяламан,
Ушламангиз қўлимни,
мен уяламан.

Буюк зотларнинг ортида одатда буюк аёллар туради, дейдилар.

Бу ҳикматга шубҳа билдирадиганлар бўлса, Ойбек билан Зарифа Саидносированинг ибратли ҳаёти тарихига назар солсин, деган бўлардик...

Биринчи «ўрим»

Адиб ҳаётининг энг машаққатли ва энг фарахли даври ўтган асрнинг 30-йилларига тўғри келган.

"Сталин замонида жамият гуллари бўлган зиёлилар ўқтин-ўқтин, беда ўрилгани каби қирқилиб, каллакланиб турилар эди", — деб ёзади адибнинг рафиқаси "Ойбегим мининг" китобида.

37-йилда бошланган биринчи "ўрим" халқимизнинг кўплаб зиёлилари каби Ойбекни ҳам четлаб ўтмайди. Истеъдодли ёш шоир, ёзувчи ва олим "халқ душмани" сифатида Тил ва адабиёт институтидан ишдан ҳайдалиб, Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқарилади. Газета-журналлар, нашриётлар асарларини босмай қўяди. Оиласи, фарзандлари билан уйсиз-жойсиз қолади. Боз устига, ўша пайтда очарчилик бошланган эди.

Адиб, ўзини ҳали олдинда не синовлар кутаётганидан бехабар, буткул ижодга берилади. "Берилиб ёзади, ижод суруридан маст бўлиб ёзади".

Мунаққидлар зикр этганларидек, "асрлар қаъридан дур қидиради" — "Навоий" романини яратмоққа киришади:

"Қушлар тили" пири —
юракда тилак,
Излаймен марварид —
қўлимда элак.

Ойбек уй-музейида бўлган киши ундаги кичик ҳужрани қизиқиб томоша қилиши тайин. Атрофига беқасам кўрпачалар тўшалиб, болиш қўйилган хонтахта устида оддий мойчироқ турибди. Миллий адабиётимиздаги энг буюк тарихий роман — "Навоий" асари ана шу хонтахтада, хира чироқ ёруғида битилган. Араб алифбосида ёзилган роман қўлёзмасини варақлаш асосида, хаёлга шундай ўй келади: Ойбекдан тўрт ярим аср муқаддам яшаган улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳам ўз "Хамса"сини шундай хонтахта, шамчироқ шуъласида яратган бўлса, не ажаб.

Ойбек — метин ирода соҳиби. У бошига неки қулфат, адолатсизлик ва азоблар тушмасин, барчасига бардош берган. Унинг умри чидам, сабр ва саботдан йўғрилгандек гўё. Асарларида, ёзиб қолдирган хотираларида, мактубларида бирор сатр бўлсин, зорланишни, шиква-шикоятни учратмайсиз.

"Инсон ҳар қандай қийинчиликни кўтарар экан, — деб ёзади Зарифахоним. — Ойлар, йиллар ўтса ҳам, ҳаёт яхшиланиш ўрнига тобора оғирлашиб борарди. Очликдан ўзимиз ҳам, болаларимиз ҳам ўлмаслик учун нималар қилмадик... Ойбек ана шундай мушкул шароитда "Навоий" романини ёзиб тугатди".

Бугун бу машҳур асарни ўқиётганингизда унинг не азобда дунёга келганини ҳам эслаб қўйинг, азиз ўқувчи.

Адибнинг хазинаси

"Навоий" унга катта шуҳрат келтиради. Академияга сайланади. Мукофотлар олади. Депутат бўлади. Роман кетма-кет бошқа тилларда ҳам чоп этила бошлайди. Ёзувчилар уюшмасига раис этиб тайинланади. Аммо, мустабид тузумнинг "ўзига хослиги" шундаки, у миллат гуллари — етук кадрларни бир қўли билан кўтариб, иккинчиси билан ерга уради. Миллатнинг кўзи очилишидан, уйғонишидан қўрқади.

Адиб ҳаётининг сўнгги йилларини ҳовли тўридаги қўшқават уйда ўтказган. Уй 1958 йилда — Ойбекнинг бошига тушган иккинчи "ўрим"дан кейин қурилган.

50-йилларнинг бошларида Ойбек яна ишдан олинади. Матбуот орқали унга қарши катта, сурункали тухмат тошлари ёғилади. Уни яна миллатчиликда, Навоий тимсолида феодализмни идеаллаштиришда айблашади. Иккинчи "ўрим"нинг оқибати жуда аянчли кечади. Маломатлар таъсирида адиб оғир хасталикка чалиниб, тилдан қолади:

Хастамен... Фикрга,
туйғуга тўлиб —
Ой менга ҳамқадам — сокин
юрамен.
Соғайсам бир куни
ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни
қўшиб ёзамен.

Зарифа Саидносирова лойиҳаси асосида қурилган янги уйнинг биринчи қаватида ижодхона ва ётоқхона, иккинчисида эса кутубхона жойлашган. Орадан салкам ярим аср ўтган бўлса-да, манзара деярли ўзгармаган: остонадаги илгакда адибнинг бош кийими билан ҳассаси осиғлиқ турибди. Гўё Ойбек ҳозиргина сайрдан қайтган.

Шинамгина ижодхонада ортиқча буюм йўқ. Кенг стол устида дўппи, очиқ турган қадимий қўлёзма ўртасидаги ручка кўзга ташланади. Сал нарида — оппоқ қоғозлар.

Одмироқ стул хиёл бурилган: гўё мутолаадан толиққан Ойбек ҳозиргина ўрнидан тургану ҳовлига чиққан.

Хонадаги узун қилич ва резина копток ҳам эътиборни тортмасдан қолмайди.

— Ойбек домла инсультга чалингач, ҳассага суяниб юришни, ёғоч қилич билан қўлини ҳаракатга келтиришни машқ қилганлар, — деб изоҳ беради Гулчеҳра Шокирова — музейнинг катта илмий ходими. — Копток эса бармоқлари учун тавсия этилган. Лекин, минг уринмасинлар, ўнг қўлига қайта дармон энмаган.

Адибнинг орзулари мўл бўлган. Аммо мустабид тузум унинг илҳомига чанг солди, инжа қаламини синдирди. Буни Ойбекнинг тугалланмай қолган ёки режалаштирган асарларининг номлари ҳам айтиб турибди: "Темур", "Бобур", "Жадидлар".

О башар, ҳақ сўздир
тарихнинг сўзи —
Бир одам титратди
жаҳонни ўзи!

Унинг соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги достони ана шундай сатрлар билан бошланган. Ойбек ҳазрат Алишер Навоий ҳақида бўлгани каби, Соҳибқирон тўғрисида ҳам аввал достон, сўнгра роман битмоқни ният қилган. Бироқ қадим тарих қаъридан не машаққат билан топган марваридлари — ҳақ сўзни охиригача айтишга улгурмади. Ўн етти йилга чўзилган хасталик имкон бермади.

Ёзувчидан нима қолади? Китоблар, қўлёзмалар, солиҳ фарзандлар... Музей экспонатларининг асосий қисми китоблардан иборат. Улар орасида қадимий қўлёзмалардан то яқинда Чин юртида хитой тилида чоп этилган "Навоий" романигача бор. Кўплаб илмий, адабий ва бадиий тадқиқотлар учун катта манба. Улуғ хазина.

Ойбек ва истиқлол

"Ватан ва унинг саломатлиги учун ҳар бир жон ҳар лаҳза ўзини қурбон қилмоққа ҳозир турмоғи керак", — дейди Ойбек ўз романида Навоий тилидан. Эл-юрт озодлиги ва ободлиги адибнинг бир умрлик орзуси, асарларининг бош мавзуси бўлган.

Музей тўридаги муҳташам зал адибнинг ана шу армони — Ойбек ва истиқлол мавзуидан ҳикоя қилади. Адибнинг 100 йиллик тўйи арафасида унда янги экспозиция очилди.

— Мустақиллик йилларида Ойбек ҳаёти ва фаолиятини, у қолдирган улкан адабий, илмий ва маънавий меросни тадқиқ ва тарғиб этишга эътибор кучайди, — дейди Г.Шокирова. — Президентимиз Ислом Каримовнинг 2000 йил 25 августдаги Фармонига биноан адиб Ватанимизнинг юксак нишони — "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Бугун ушбу орден музейимизни безаб турибди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004 йил 21 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг "Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши эса атоқли ёзувчининг порлоқ хотирасига юксак эҳтиром ифодасидир.

Мазкур ҳужжатда юбилей муносабати билан амалга оширилади-ган кенг кўламли ишлар, жумладан, музей биносини таъмирлаш, ундаги экспонатларни янгилаш, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш каби кўплаб хайрли тадбирлар кўзда тутилган. Музейда бу қутлуғ санага тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Ҳар қандай буюклик замирида буюк самимият, беғубор соддалик мужассамдир, дейишади. Ойбек ҳаёти ва ижоди бунга ёрқин мисол. Адибнинг уй-музейи зиёратида бўлган ёҳуд унинг асарларини мутолаа қилган киши бунга яна бир ишонч ҳосил қилишига — қалби ойбекона самимиятга ошно тутинишига шубҳа йўқ.

Қулман ОЧИЛОВ (ЎзА).

Спорт

Ҳакамларимиз халқаро турнирларни бошқаради

Халқаро футбол федерацияси — ФИФА кейинги 40 ҳафта мобайнида халқаро мусобақаларни бошқарадиган ҳакамлар рўйхатини эълон қилди.

Унга кўра, халқаро мусобақаларни 20 нафар ўзбекистонлик ҳакам ҳам бошқариб боради. Улардан Равшан Эрматов, Марат Исмоилов, Владислав Цейтлин, Ноиль Лутфуллин, Константин Смирнов ва Рустам Саидовлар майдонда бош ҳакамлик вазифасини бажарадилар. Ҳамюртларимиздан Александр Попов, Валентин Коваленко, Арслан Ҳотамов, Фарҳод Абдуллаев, Ғофуржон Низомов, Виктор Серазитдинов, Бахтиёр Тоғаев, Рафаэль Илёсов, Даврон Шоқурбонов ва Вилоят Нажафалиевлар қанот ҳакамлари вазифасини бажаради. Аёллар футболида Ирина Куцилло, мини-футболда эса Шерқул Аллаев, Сайфитдин Омонов ва Абдурашид Маматқуловлар халқаро турнирларни бошқаришга жалб этилади.

Доҳадаги ғалаба

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионати якунланди.

Қитъа биринчилигида 21 мамлакатдан 150 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. Чемпионатда аёллар терма жамоамиз муваффақиятли қатнашиб, Хитой ва Япония мамлакатлари гимнастикачиларидан сўнг умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Мусобақада А. Нинкова, Т.Гайфулина, Э. Абдувалиева ва Л. Галиулиналар юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

«Автоалоқа» ОАЖнинг

«Алтай» радио телефон тизимидан фойдаланаётган абонентлар диққатига!

180 минут меъёр вақтидан ортиқча радио телефондан фойдаланиш учун 2005 йил 1 мартдан тариф ҚҚС билан қуйидагича белгиланади:

- *бюджет корхоналари учун «Алтай» тизимидан чиқиш 1 минут учун — 24 сўм;*
- *юридик ва жисмоний шахсларга чиқиш 1 минут учун — 36 сўм;*
- *«Алтай» тизимига кириш 1 минут учун — 18 сўм.*

Кўрсатилаётган хизмат сертификатланган ва лицензияланган.

Маълумот учун телефонлар: 144-25-67, 42-89-27.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига ! Товар сертификатланган

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

«ГАЗ-31105»

«ИЖ-2717»,

«ВАЗ-2106»

«ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

Т/ф.: 155-29-59, 136-01-54, 133-12-84
e-mail: gamma-elektro@yandex.ru
прямые поставки с завода изготовителя

ЛАМПЫ

Товар сертифицирован

люминесцетные (ЛД 20, 40, 80)
ртутные высокого давления (ДРЛ)
стартеры 80 - 220
натриевые лампы высокого давления (ДНАТ)
металлогалогенные (ДРИ)



Предусмотрена гибкая система скидок

Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика Сатира театри жамоаси театр актёри Олим Отабоевга падари бузруквори

Жуманазар ОТАБОЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази жамоаси ўпка ва кўкрак жарроҳлиги бўлимининг бошлиғи

Эркин ИСЛАМБЕКОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси доцент Арабали Тўраевга синглиси

Мелихол МУРОДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси университет кутубхоначиси

Мария ЕФАНОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Анвар.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 22.20 Топширилди — 22.15 12345